

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХОЛМУРОДОВА ГЎЗАЛ РЎЗИЕВНА

**КОНВЕРГЕНТ ДУРАГАЙЛАШ УСЛУБЛАРИ ОРҚАЛИ ГЎЗА
НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of the abstract of doctoral dissertation (DSc)

Холмуродова Гўзал Рўзиевна

Конвергент дурагайлаш услублари орқали ғўза навлари
селекцияси самарадорлигини ошириш.....3

Холмуродова Гузал Рузиевна

Повышение эффективности селекции сортов хлопчатника
методами конвергентной гибридизации.....25

Kholmurodova Guzal Ruzievna

Increasing of efficiency of breeding of cotton varieties
by methods of convergent hybridization.....46

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....50

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ХОЛМУРОДОВА ГЎЗАЛ РЎЗИЕВНА

**КОНВЕРГЕНТ ДУРАГАЙЛАШ УСЛУБЛАРИ ОРҚАЛИ ГЎЗА
НАВЛАРИ СЕЛЕКЦИЯСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

06.01.05-Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2017

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Qx21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Намазов Шадман Эргашович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Эргашев Ибрагим Ташкентович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ризаева Сафия Мамедовна биология фанлари доктори, профессор Мамарахимов Бунёд Икромович қишлоқ хўжалиги фанлари доктори
Етақчи ташкилот:	Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2017 йил «03» октябрь соат 10⁰⁰даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2, Тошкент давлат аграр университети, тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00; e-mail: tuag-info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (532809-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети.Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-48-00).

Диссертация автореферати 2017 йил «20» сентябрь куни тарқатилди.
(2017 йил «14» сентябрдаги 5-рақамли реестр баённомаси).

Б.А.Сулаймонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор

Я.Х.Юлдашов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, қ.х.ф.н., доцент

М.М.Адилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро Пахтачилик консултатив комитети (International Cotton Advisory Committee-ICAC) ташкилотининг маълумотларига кўра, сўнгги ўн йилликда бир килограмм пахта хом-ашёси етиштириш учун сарфланадиган харажат сезиларли даражада ошган ва бу 2000 йилда 0,25 долларни ташкил этгани ҳолда 2016 йилга келиб 0,58 АҚШ долларига тенг бўлган¹. Ҳозирги вақтда, дунёнинг пахта етиштирувчи барча мамлакатларида тола етиштириш таннархини камайтириш имконини берувчи тезпишар, ҳосилдорлиги, тола чиқими ва сифати юқори ҳамда касаллик ва зараркунандаларга бардошли ғўза навлари селекцияси долзарб муаммо ҳисобланади.

Республикамизда рақобатбардош, тола сифати дунё пахта бозори талабларига жавоб берадиган янги ғўза навларини яратиш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида гармсел, сув танқислиги, ҳашарот ва зараркунандаларга ҳамда бошқа омилларга бардошли қимматли селекцион ашёлар яратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу борада касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тупроқ-иқлим шароитларига мос, қишлоқ хўжалик экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ғўза селекциясида бошқа қишлоқ хўжалик экинларида кенг фойдаланилаётган турли усуллардан кенг фойдаланиш долзарб ҳисобланади. Конвергент дурагайлашда юз берадиган трансгрессив ўзгарувчанлик натижасида янги генетик ўзгарувчанликлар манбаи бўлган рекомбинантларни ажратиш имкониятининг ошиши, бу эса, қисқа вақт ичида қимматли хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган янги навлар яратиш имкониятини бериши бошқа экинлар селекциясида тасдиқланган. Бироқ, конвергент дурагайлашнинг ғўза селекцияси учун қимматли бошланғич ашёларни яратиш борасидаги имкониятлари етарли даражада ўрганилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, изланишларимизда конвергент дурагайлашнинг янги яратилаётган тизмаларда рекуррент навнинг ирсий белгилари миқдорини 50% бўлишини таъминлаш имкониятини берувчи трансгрессив рекомбинациялаш ҳамда рекуррент навнинг ирсий белгилари миқдорини 75% гача сақлаб қолувчи бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва қайта частиштиришлар услубларини қўллаш орқали яратилган конвергент дурагайларни қиёсий ўрганиш асосида ғўза селекцияси учун қимматли бошланғич ва селекцион ашёларни яратиш мақсадида тадқиқотлар амалга оширилди.

¹www.ICAC.org.hk

Ўзбекистон Республикасининг «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги ва «Уруғчилик тўғрисида»ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг уруғчилик соҳасидаги сиёсати тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V.«Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Селекция жараёнида ғўза генофондидаги ҳар хил генотипларга хос бўлган ижобий белги ва хусусиятларни турли дурагайлаш усулларини қўллаш асосида янги генотипларда жамлаш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, ²United State Agricultural Department (АҚШ), Chinese Academy of Agricultural Sciences (Хитой), Australian Cotton Research Institute (Австралия), Indian Central Institute for Cotton Research (Ҳиндистон), Poljoprivredni fakultet u Novom Sadu (Югославия), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Ғўза селекциясида турли дурагайлаш услубларини қўллаш орқали жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: 16 та нав ўртасида ўтказилган дурагайлаш орқали 8 та оддий дурагайларни ўзаро чатиштириш асосида бойитилган генотипга эга бўлган 4 та F₁ дурагайлари яратилган (United State Agricultural Department); *G.tomentosum* ва *G. mustelinum* турларидан аллель генларни *G.hirsutum* турига ўтказиш ҳамда диплоид турлардан нематодага бардошлилик генларини маданий тетраплоид турларга ўтказилган ҳамда турлараро ва беккросс чатиштириш орқали яратилган дурагайларда вертициллёз вилтга бардошлиликни маркерлар ёрдамида ўрганиш натижасида *Gossypium* диплоид турларининг ўзаро боғлиқлиги аниқланган (Chinese Academy of Agricultural Sciences); композит чатиштириш усули асосида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига бардошли ҳамда юқори сифатли толага эга бўлган ғўза навлари яратилган (Indian Central Institute for Cotton Research); мураккаб дурагайлаш орқали ёввойи турларга хос ноёб белгиларни маданий ғўза турлари геномига ўтказилган (Australian Cotton Research Institute); чатиштириш усуллари мураккаблашиб бориши билан дурагайларда ота-она шаклларининг муайян ижобий белгиларини мужассамлаштирган рекомбинантларни танлаш

² www.ilmkidunya.com, www.dissercat.com, <https://www.icac.org/tech>

имконияти ошиб бориши аниқланган (Poijoprivredni fakultet u Novom Sadu); кўш ва мураккаб чатиштириш услублари орқали ирсий жиҳатдан кенг ўзгарувчанликка эга рекомбинантлар олинган ва селекция учун қимматли хўжалик белгилар мажмуига эга бўлган бошланғич ашёлар яратилган (Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти).

Бугунги кунда дунёда ғўзанинг қимматли-хўжалик белгилар мажмуига эга бўлган навларини яратишда генетика ва селекциянинг турли услубларини тадқиқ қилиш бўйича қатор, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кишлок хўжалик экинларида ҳар хил сабабларга кўра навлар ҳосилдорлиги камая борганда конвергент дурагайлашнинг муайян услубларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш; турли услублар билан олинган янги тизмаларда рекуррент навлар белгиларининг ирсийланиш даражасини тадқиқ қилиш; турли стресс омиллар бардошлилиги ва қимматли-хўжалик белгилари уйғунлашган навлар яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўза ва бошқа экинлар селекциясида турли чатиштириш услубларининг самарадорлигини тадқиқ қилиш бўйича дунё олимлари томонидан кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, С.Бороевич, М.Г.Одинцова, Н.В.Нарлан, М.Л.Мартини, Р.Бернардо, Г.Джонсон, И.Дадли, Ф.Н.Бриггс, Р.В.Аллард, В.Гриффинг, В.Д.Найман, С.Н.Кадара, Мас Кеу ва бошқа олимлар томонидан кишлок хўжалик экинлари селекциясида турли чатиштириш услубларини қўллашнинг бойитилган ўсимлик шакллари ва навлари яратилган. Ҳиндистонда ҳосилдорликни 20 ва ундан юқори фоизга ошириш имконини берувчи композит чатиштириш орқали ғўза дурагайлари яратилган ва уларнинг экин майдони 70% гача етказилган (S.N.Kadara, S.N.Kadara and R.M.Rajapati); АҚШда 16 та нав ўртасида ўтказилган чатиштириш асосида ўзида 8 та ота-она зигота плазмасига эга бўлган F_1 дурагайлари яратилган (Н.В.Нарлан and М.Л.Мартини); Ўзбекистонда турли мураккаб дурагайлаш услублари орқали ирсий жиҳатдан бойитилган бошланғич ашё ва навлар яратилган (А.Эгамбердиев; Қ.Тешабаев; Р.Ким; Ш.Намазов ва бошқ.).

Кейинги йилларда кўпчилик пахта етиштирувчи давлатларда амалга оширилаётган генетик ва селекцион тадқиқотлар орқали турли стресс омилларга бардошли ва қимматли-хўжалик белгиларнинг ижобий мажмуасига эга ғўза навларини яратишда турли дурагайлаш услубларининг самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бироқ, ғўзада конвергент чатиштиришнинг турли услубларини қўллаган ҳолда ижобий белги ва хусусиятлар мажмуига эга, янги генетик ўзгарувчанлик манбаи бўлган рекомбинантларни яратиш ва уларда белгиларнинг ирсийланиш ва шаклланиш даражасини, шунингдек конвергент дурагайлашнинг турли услубларининг қиёсий таҳлили бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Шунинг учун, ўрта толали ғўза навлари селекциясида конвергент дурагайлаш услубларининг самарадорлигини аниқлаш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-11-071 «Использование конвергентной гибридизации в селекции хлопчатника» (2006-2008 йй.), ҚХА-9-047 «Дўзада конвергент дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгилари мужассамлашган бошланғич ашё яратиш» (2009-2011 йй.), ҚХА-8-078 «Дўзанинг генетик жиҳатдан бойитилган, қурфоқчиликка ва касалликларга чидамли рекомбинантлар, оила ва тизмаларини яратишда конвергент ва геномлараро дурагайлашнинг самарадорлиги» (2012-2014 йй.), ҚХА-8-065-2015 «Турли хил конвергент дурагайлаш услублари орқали амалий селекция учун бошланғич ашё яратиш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади конвергент дурагайлашнинг турли услублари орқали яратилган ғўза дурагайларида хўжалик белгиларининг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланишини қиёсий тадқиқ қилиш асосида ушбу услубларнинг генетик жиҳатдан бойитилган селекцион ашёларни яратишдаги самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

конвергент дурагайлашнинг трансгрессив рекомбинациялаш, бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услублари асосида олинган дурагайларда асосий хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва юқори авлодларда шаклланишини қиёсий таҳлил қилиш;

турли хил конвергент дурагайлаш услублари орқали яратилган юқори авлод дурагайлар орасидан қимматли-хўжалик белгилари бўйича генетик жиҳатдан бойитилган генотипларни ажратиб олиш;

мураккаб ва конвергент дурагайлаш асосида яратилган ғўза дурагайлари, оилалари ва тизмаларида айрим хўжалик белгиларнинг ўзаро корреляциясини аниқлаш;

конвергент дурагайлашнинг турли услублари асосида яратилган янги ғўза оила ва тизмаларини қимматли хўжалик белгилари бўйича барқарорлашувини аниқлашда ушбу услубларнинг ғўза селекциясидаги самарадорлигини қиёсий баҳолаш;

мураккаб ва конвергент дурагайлаш услублари орқали яратилган ўрта толали ғўзанинг СП-7302 нави ва янги тизмаларини навдорлик белгилари бўйича ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ғўзанинг *G.hirsutum L.* турига мансуб Тошкент-6, С-6532, Оқдарё-6, Юлдуз, С-9070, С-4911 навлари иштирокида олинган 8 та жуфт ва 4 та мураккаб дурагайларни трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосида чатиштириш орқали яратилган конвергент дурагайларнинг юқори авлодлари; бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш принципида Ан-Боёвут-2, Юлдуз, Қирғиз-3, Оқдарё-6, С-4911, С-

2609, Омад, С-9070, Ан-415, С-6524 навлари иштирокида олинган конвергент ғўза дурагайлари, оилалари ва тизмалари иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети ўзаро таққосланаётган трансгрессив рекомбинациялаш, бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услубларида олинган манбаларда белгилар трансгрессиясини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларида умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида фенологик кузатувлар ва лаборатория таҳлиллари ўтказилган. Белгиларнинг доминантлик коэффициенти S.Wright формуласи орқали аниқланган. Конвергент дурагайлаш Мас Кеу таклиф этган 1- ва 2-вариантлар (5 та нав А тип-50-50-50% ва 5 та нав А тип-75%-75%-75%) бўйича олиб борилган. Барча математик ва статистик таҳлиллар Б.А.Доспехов (1985) услублари асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўрта толали ғўза навлари селекциясида турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида конвергент дурагайлашнинг трансгрессив рекомбинациялаш, бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услублари орқали яратилган дурагайлари қиёсланиб янги бошланғич ашёлар яратилган;

конвергент дурагайлаш асосида хўжалик учун қимматли белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва юқори авлодларда шаклланиш қонуниятлари илмий асосланган;

конвергент дурагайлашнинг ҳар иккала услублари қўлланилганда жуфт, мураккаб ва кўш дурагайлашлардан фарқли равишда дурагайларнинг дастлабки авлодларидан бошлаб аксарият белгилар бўйича кенг ўзгарувчанлиги исботланган;

конвергент дурагайлардан хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори ижобий мажмуасига эга рекомбинант ўсимликларни танлаш самарали бўлиши аниқланган;

бойитилган генотипга эга янги бошланғич ашёларни яратиш ҳамда рекуррент ғўза навларининг тезпишарлиги, вилтга бардошлилиги ва толасининг сифатини яхшилашда бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар услуби юқори самара бериши исботланган;

маҳсулдорлик, 1000 дона чигит вазни ва тола чиқимини яхшилашда конвергент дурагайлашнинг трансгрессив рекомбинациялаш принциpidан фойдаланишнинг аҳамияти асосланган;

мураккаб дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуасига эга бўлган янги СП-7302 нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

конвергент чатиштиришнинг трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услубларини қўллаш асосида авлодларда белгилар бўйича юқори ўзгарувчанликка эришилган ва аксарият белгилар бўйича ишлаб чиқаришда экилаётган ғўза навларидан устун бўлган янги Т-521-522/07, Т-117-118/07, Т-561-562/07, Т-814-815/07 тизмалари яратилган. Ушбу тизмалар

хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори мажмуаси бўйича бошланғич ашё сифатида амалий селекция жараёнига тавсия этилган.

Мураккаб дурагайлаш асосида қимматли хўжалик белгиларининг юқори мажмуасига эга бўлган янги СП-7302 нави яратилган ва Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясининг грунтназорат синовидан ўтмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий услуб ва воситаларидан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, услубий жиҳатдан тўғрилиги ва ҳар йили махсус апробация комиссияси томонидан ижобий баҳолангани, олинган маълумотларни қайта ишлашда статистиканинг турли услубларидан фойдаланилганлиги ва олинган назарий натижаларнинг тажриба маълумотлари билан мос келиши, тўпланган хулоса ва қонуниятларнинг асосланганлиги ҳамда натижаларнинг таққосланганлиги, олинган натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рекуррент ғўза навларини яхшилаш ҳамда қимматли хўжалик белгилари бўйича кенг ўзгарувчанликка эришишда турли генотипга эга ғўза навлари иштирокида конвергент дурагайлашнинг трансгрессив рекомбинациялаш ҳамда бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услубларини қўллаш асосида белгиларнинг ирсийланиши, ўзгарувчанлиги ва шаклланиши борасидаги қонуниятлар илмий асослаб берилгани, дурагайларнинг дастлабки авлодларидан бошлаб аксарият хўжалик учун қимматли белгиларнинг юқори ижобий мажмуасига эга рекомбинант ўсимликларни танлаш самарали эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти конвергент дурагайлашнинг трансгрессив рекомбинациялаш принципи ҳамда бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш принципларини қўллаш асосида асосий қимматли-хўжалик белгилар мажмуаси бўйича андоза навлардан яққол устунликка эга бўлган СП-7302 нави, Т-521-522/07, Т-117-118/07, Т-561-562/07, Т-814-815/07, О-105 (К-5), О-102 (К-2), О-357-362 (ВК-3) ва О-363-364 (ВК-5) тизмаларини яратилиши ҳамда уларни амалий селекция жараёнида қўллаш учун тавсия этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ғўза генетикаси ва селекцияси борасидаги илмий-тадқиқотлар натижалари асосида:

мураккаб дурагайлаш асосида вертициллёз вилтга чидамли, юқори маҳсулдор, тезпишар, тола чиқими юқори, ҳосил бериш суръати юқори бўлган СП-7302 нави яратилган (Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссиясининг 2017 йил 11 июлдаги 53/4-307-сон маълумотномаси). Дастлабки уруғ кўпайтириш хўжаликларида нав бўйича 3-5 ц/га қўшимча ҳосил олинган ва рентабеллик даражаси 25-30 фоизга етказилган;

жуфт, мураккаб ва конвергент дурагайлаш услублари орқали яратилган Т-814-815/07 ғўза тизмаси ва О-102 (К-2), О-105 (К-5), О-779-786 (ВК-12) оилалари яратилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 14

июлдаги 02/20-399-сон маълумотномаси). Андоза С-6524 навига нисбатан 4,5-5,0 ц/га юқори ҳосилдорликка ва 2-3 кунга тезпишарликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ҳар йили ЎзҚХИИЧМ томонидан апробациядан ўтказилган ва ижобий баҳоланган, ҳисоботлар институтнинг илмий ва услубий кенгашларида муҳокама қилинган. Мазкур тадқиқот натижалари 42 та, жумладан 17 та халқаро ва 25 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 59 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, жумладан, 14 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ѓўза селекциясида турли хил чатиштириш услубларининг қўлланилиши борасида олиб борилган тадқиқотлар таҳлили»** деб номланган биринчи бобида ғўза селекциясида турли хил чатиштириш услублари ва уларнинг аҳамияти, конвергент, қўш ва мураккаб чатиштириш услубларини ғўзада ҳам қўллаш имкониятлари борасида хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларидан олинган натижалари таҳлил қилинган.

Адабиётлар таҳлили асосида конвергент чатиштириш усули қишлоқ хўжалик экинлари селекциясида самарали услуб эканлиги, бироқ ғўза навларини яратишда ушбу услубдан фойдаланиш асосида қимматли бошланғич ашёларни яратиш имкониятлари етарли ўрганилмаган деган фикрга келинган. Шунинг учун, мураккаб дурагайлашнинг янада такомиллашган услубларидан ҳисобланган турли хилдаги конвергент чатиштириш услубларидан ғўза генетикаси ва селекциясидаги мавжуд назарий ҳамда амалий муаммоларни ҳал этишда фойдаланиш зарур эканлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқотлар олиб борилган жой ва унинг шароити, манба ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тажрибалар олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот услублари, олиб борилган агротехник тадбирлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва**

тўлиқсиз қайта чатиштириш услуби бўйича тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили» деб номланган учинчи бобида ғўзада конвергент дурагайлашнинг бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услубини қўллаш орқали рекуррент навнинг ирсий белгилари миқдорини 75% гача ўтишини таъминлаш, генларни ижобий трансгрессиясини амалга ошириш ва янги генетик ўзгарувчанликлар манбаи бўлган рекомбинантларни ажратиш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Олинган натижалар бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услубида яратилган конвергент дурагайларда барча ўрганилган қимматли хўжалик белгилар бўйича кенг даражадаги ўзгарувчанлик юз берганлигини тасдиқлаган. Конвергент чатиштиришнинг мазкур услуби қўлланилганда тезпишарлик, бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони, вилтга бардошлилик ва бошқа белгилар бўйича ижобий рекомбинант ўсимликларни ажратиш имконияти катта эканлиги аниқланган.

Мураккаб дурагайлашда иштирок этган навларнинг генотипига боғлиқ тарзда генларнинг ўзаро рекомбинацияси юз бериши натижасида иккинчи авлод дурагайлари орасидан кўплаб тезпишар рекомбинантлар ажратиш олинган. Ўрганилган аксарият иккинчи авлод дурагай комбинациялари F₁ авлодга нисбатан ўртача 5-7 кунга тезпишарликни намоён этган (1-жадвал).

Вилтга бардошлилик бўйича аксарият комбинацияларда ижобий гетерозис ва оралиқ ҳолатда кузатилгани, яъни чидамсизликнинг устунлиги аниқланган. Бу эса, вилтга бардошли рекомбинантлар яратишда дурагайлаш услуби ва чатиштиришда қатнашаётган навларнинг генотипи муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ўрганилган дурагайлар орасидан С-2609 нави иштирокидаги ва қўш дурагайлар вилт билан кам даражада зарарланганлиги қайд этилган.

Бир туп ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича мураккаб дурагайларда аксарият ҳолатларда ижобий гетерозис ва оралиқ ирсийланиш аниқланган. Қўш дурагайлардан фақатгина [(F₁С-2609 х (F₁Юлдуз х С-2609) х (F₁С-2609 х Қирғиз-3 х С-2609)] комбинациясида салбий гетерозис (hp=-1.3) кузатилди. Белгининг ўртача кўрсаткичи бўйича нисбатан юқори натижа Ан-Боёвут-2 ва С-2609 навлари иштирокидаги мураккаб дурагайларда кузатилган.

Бир ўсимликдаги кўсақлар сони бўйича конвергент дурагайлашнинг ижобий таъсири кузатилиб, конвергент дурагайларнинг барчасида юқори даражадаги ижобий гетерозис намоён бўлганлиги ва белгининг ўртача кўрсаткичи 18,0-26,0 оралиғида бўлганлиги аниқланган.

2014 йилги вегетация даври бўйича олинган маълумотларга кўра, мураккаб ва конвергент дурагайларда “униб чиқиш-50% кўсақлар очилиш” белгиси турлича бўлган. Мураккаб дурагайлардан F₆К-7 (108,4 кун), F₆К-4 (112,0 кун), F₆К-2 (112,4 кун), F₆К-5 (112,5 кун;), F₆К-3 (106,7 кун), конвергент дурагайлардан F₅К5 х К6 (112,0 кун;), F₅К7 х К8 (111,0 кун), F₅К9 х К10 (108,5 кун) ҳамда Т-561-62/07 (108,5 кун) тизмаси андоза С-6524 (114,2 кун) ва Наманган-77 (112,6 кун) навларига нисбатан тезпишар бўлганлиги аниқланган.

**F₁ конвергент дурагайлар «униб чиқиш-50% пишиш» белгисининг
ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги (кун), 2007 й.**

Дурагай комбина- циялар	Келиб чиқиши	F ₁		
		Limit	M±m	hp
K5 x K6	{[F ₁ Омад x (Юлдуз x Омад) x F ₁ Омад x (Қирғиз-3 x Омад)] x -[F ₁ Омад x (Оқдарё-6 x Омад) x F ₁ Омад x (С4911 x Омад)]}	114-116	115,0±1,9	-3,0
K1 x K2	{[F ₁ Ан-Боёвут-2 x (Юлдуз x Ан-Боёвут-2) x F ₁ Ан-Боёвут-2 x (Қирғиз x Ан-Боёвут-2)] x [F ₁ Ан-Боёвут-2 x (Оқдарё-6 x Ан-Боёвут-2) x F ₁ Ан-Боёвут-2 x (С-4911 x Ан-Боёвут-2)]}	119-122	121,5±1,5	3,0
K3 x K4	{[F ₁ С-2609 x (Юлдуз x С-2609) x F ₁ С-2609 x (Қирғиз-3 x С-2609)]x[F ₁ С-2609 x (Оқдарё-6 x С-2609) x F ₁ Омад x (С-4911 x С-2609)]}	117-119	117,9±1,5	3,0
Андоза нав - Наманган-77 (St)		124-125	125,2±0,8	

Мураккаб дурагайлар орасида F₆K-9 комбинациясининг умуман зарарланмаганлиги, F₄K-1 комбинацияси эса бошқа дурагайларга нисбатан вилтга бардошлиликни намоён этгани (4,4%) ушбу комбинацияларнинг генотипида вилтга бардошли бўлган Қирғиз-3 ва Омад навларнинг иштироки билан изоҳланган. Ўрганилган дурагайлар орасидан К-6 комбинацияси нисбатан юқори даражада вилт билан зарарланиб (10,4%) бошқа комбинацияларга нисбатан вилт касаллигига чидамсиз бўлсада, андоза С-6524 (10,10%) ва Наманган-77 (10,60%) навларига нисбатан бардошлиликни намоён этган.

Конвергент дурагайлар орасидан F₃K1 x K2 дурагай комбинацияси 3,2%, Т-561-62/07 тизмаси эса 5,6% вилт билан умумий зарарланишни намоён этиб, вилтга нисбатан бардошли ашёлар сифатида қайд этилган. Конвергент дурагайлар F₅ K11 x K9 (20,5%), F₅K5 x K6 (16,7%) ажратиб олинган ашёлар ва андоза Наманган-77 навида нисбатан бирмунча юқорироқ зарарланиши кузатилди. Кучли даражада эса F₅K7 x K8 комбинацияси 10% зарарланганлиги, қолган комбинацияларнинг зарарланмаганлиги намоён бўлган.

Ўза селекциясида сўрувчи зараркунандаларга бардошли навлар яратилиши муҳим аҳамият касб этади. 2013 йилги таҳлил натижаларига кўра “шоналаш-гуллаш” даврида К-11 мураккаб дурагайи, F₄K1 x K2 ва F₄K3 x K4

конвергент дурагайлари, ҳамда Т-814-15/07, Т-521-22/07 тизмалари умуман зарарланмагани, кўсақлар очилиш даврида эса Т-117-118/07 тизмасининг ўргимчакканага бардошлилиги кузатилган.

2012 йилги тажрибаларда изланишлар асосида яратилган дурагайлар, оилалар ва тизмаларнинг трипс билан зарарланиши ўрганилган ва зарарланган ўсимликлар сони ҳамда зарарланиш даражаси (%) андоза навга нисбатан кам бўлгани аниқланган (1-расм). Статистик таҳлил натижаларига кўра, зарарланиш даражаси 0-25,3% ораликда бўлиб, трипс билан умуман зарарланмаган F₄K-2 ҳамда F₄K-5 (3,03%), F₄K-7(3,03), F₄K-8(4,0%), F₄K-11(4,16%), F₃K₉ x K₁₀ (3,5%), F₃K₁ x K₂ (4,14%), F₃K₁₁ x K₉ (5,5%) комбинациялари ва Т-814-15/07 (3,5%) тизмаси кам даражада зарарланганлиги қайд этилган. F₄K-1 (25,3%) ва F₄K-9 (20,2%) оилалари трипс билан нисбатан кўп зарарланганлиги аниқланган.

Ушбу йилда олинган маълумотлар асосида белги бўйича ижобий



1-расм. Конвергент ғўза дурагайлари, оилалар ва тизмаларнинг трипс билан зарарланиши, % 2012 й.

натижаларга эришишда F₄K-2, F₄K-5, F₃K₉ x K₁₀, F₃K₁ x K₂ комбинациялари ва Т-117-118/07, Т-814-15/07 тизмаларидан селекция жараёнларида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги тавсия этилган.

Ажратиб олинган ашёларнинг 2013 йилги таҳлил натижаларига кўра 2-3 чинбарг чиқариш даврида F₅K-3 (33,3%), F₅K-7 (33,3%), F₅ K-10 (25,7) дурагайлари ҳамда Т-117-118/07 тизмаси андоза Наманган-77 навидан (34,6%) (мос равишда 1,3%; 1,3%; 8,9%; 1,3%) шира (*Aphis gossypii* Glow.) билан кам зарарланганлиги қайд этилган.

Шоналашдан гуллашгача бўлган даврида К-1 (16,6%), К-3 (18,7%), К-7 (18,1%) F₄ K₃ x K₄ (22,2%) F₄K₉ x K₁₀ (15,8%) оилалари ва Т-117-118/07 (17,6%), Т-561-62/07 (20,0%) тизмаларининг андоза Наманган-77 (23,8%) навига нисбатан кам зарарланиб, ширага нисбатан бардошлилик намоён этишган.

Олинган маълумотлар асосида ривожланишнинг ҳар учала даврида ҳам ширага бардошлилик намоён қилган F₅K-3 комбинациясини белгини яхшилаш борасидаги генетик-селекцион тадқиқотларга тавсия этилган.

Тадқиқотларда ҳосилдорлик элементларидан ҳисобланган 1 дона кўсак вазни ва 1000 дона чигит вазни белгилари таҳлил қилинган. Мураккаб, конвергент дурагай тизмаларнинг 1 та кўсакдаги пахта вазни ҳамда 1000 дона чигит вазни бўйича F₅K-3 (7,1 г; 122,4 г), F₅K-8 (6,86 г; 131,0 г), F₅K-6 (6,40 г; 122,9 г) мураккаб, F₄K3xK4 (6,32 г; 124,0 г) конвергент дурагайлари андоза Наманган-77 (5,05 г; 105,5 г) навидан устунлик намоён этган. 1000 дона чигит вазни бўйича эса F₅K-1 (102,2 г) мураккаб, F₅K7xK8 (105,2 г) конвергент дурагайи ва T-117-118/07 (101,2 г) тизмасида бирмунча пастроқ натижа кузатилган.

Мураккаб дурагайлар орасидан F₅K-5 (37,1 мм) комбинацияси андоза Наманган-77 (32,6 мм) навидан 4,5 мм, F₅K-4 (34,7 мм) комбинацияси 2,1 мм, K-7 (33,3мм) 0,7 мм, K-8 (32,8 мм) 0,2 мм, конвергент дурагайлардан F₅K5 x K6 (33,7мм) 1,1 мм, T-814-15/07 (34,0 мм) тизма 1,4 мм га узун толали бўлганлиги қайд этилган. Тола чиқими бўйича эса F₅K-5 (39,8%), F₅K-4 (39,7%), F₄K3 x K4 (40,6%), F₄K11 x K9 (40,3%) дурагайлари андоза Наманган-77 (36,6%) навига нисбатан юқори кўрсаткичли рекомбинантлар сифатида ажратиб олинган.

Республика «Сифат» Марказида ўтказилган таҳлиллар асосида изланишлар орқали ажратиб олинган селекцион ашёларнинг деярли барчаси сифат белгилари бўйича халқаро талаблар даражасида бўлгани эътироф этилган.

Диссертациянинг **«Трансгрессив рекомбинациялаш принципи бўйича олинган юқори авлод конвергент дурагайлари тадқиқ қилиш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида конвергент дурагайлашнинг трансгрессив рекомбинациялаш услуби асосида олинган ғўзанинг юқори авлод жуфт, мураккаб ва конвергент дурагайлари, шунингдек улар иштирокидаги оила ва тизмалар бўйича ўтказилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Изланишлар асосида конвергент дурагайлаш орқали яратилган оилаларнинг «униб чиқиш-50% гуллаш» даври кўрсаткичлари тезпишарликнинг ушбу таркибий қисмини яхшилашда конвергент дурагайлаш ҳар доим ҳам самара бермаслигини кўрсатган.

Конвергент дурагайлаш орқали яратилган оилалар «униб чиқиш-50% пишиш» даври бўйича эса аксарият ҳолларда андоза навга нисбатан (115,7 кун) тезпишарлик намоён қилинган. Айниқса, O-109-110 (107,7 кун), O-393-394 (109,5 кун), O-1125-1130 (111 кун), O-777-778 (112,7 кун) оилалари андоза навга нисбатан 3-7 кунга тезпишар бўлишган. Олинган натижалар асосида конвергент дурагайлашдан фойдаланиш «ниҳол униб чиқиши-50% гуллаш» га нисбатан «униб чиқиши-50% пишиш» бўйича самарали эканлиги хулоса қилинган.

Мураккаб ва конвергент оилаларнинг «униб чиқиши-50% пишиш» белгиси бўйича селекцион кўчатзорда ўрганишдан олинган натижалар O-470-72 (111,5

Конвергент оилаларда тола сифати кўрсаткичлари, 2015 й.

Оила	Дурагай комбинация	Mic	Str	Len	Unf
O-500-505	ВК-1	4.4	42.9	1.28	88.3
O-609-610	ВК-2	4.1	37.6	1.21	87.4
O-357-362	ВК-3	4.1	41.8	1.26	87.9
O-365-366	ВК-5	4.2	43.0	1.20	86.7
O-175-178	ВК-7	4.6	41.7	1.17	88.4
O-109-110	ВК-8	4.7	42.4	1.23	87.2
O-369-372	ВК-9	4.2	43.1	1.31	88.7
O-774-776	ВК-10	4.0	40.2	1.25	89.3
O-899-900	ВК-11	4.2	42.0	1.20	87.5
O-779-786	ВК-12	4.3	39.3	1.21	86.2
O-393-394	ВК-13	4.2	44.8	1.24	88.1
	ЭКФ _{0,5} =	1,35	1,29	1,65	1,45
O-201-02	СГ-1	4.3	46.4	1.30	89.7
O-289-90	СГ-2	4.4	45.7	1.28	89.0
O-401-03	СГ-5	4.7	40.0	1.26	87.4
O-440-46	СГ-6	4.3	37.4	1.28	87.5
O-470-72	СГ-7	4.1	39.4	1.19	87.5
O-480-82	СГ-9	4.7	40.1	1.23	87.5
	ЭКФ _{0,5} =	1,56	1,75	1,45	1,41

кун), O-289-90 (112,1 кун), O-440-46 (112,7 кун) оилалари андоза навларга тенг ёки улардан 1-2 кунга тезпишарликни намоён этганини кўрсатган.

Конвергент дурагайлар орасидан O-393-394 (109,5 кун), O-609-610 (110,5 кун), O-774-776 (110,5 кун), O-369-372 (111,8 кун), O-899-900 (111,0 кун), O-357-362 (111,1 кун), O-369-372 (111,8 кун), O-899-900 (112 кун) оилалари тезпишарликни намоён этган. O-774-776 комбинациясида белгининг дисперсия даражаси 0,70% га тенг бўлиб, тезпишарлик бўйича барқарорлашганини ва ундан бошланғич ашё сифатида фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилган.

Селекцион кўчатзорида амалга оширилган изланишлар асосида трансгрессив рекомбинациялаш принципи орқали яратилган Т-23/06 ва Т-814/15/07 тизмалари тезпишарлик бўйича, O-470-72 (СГ-7), O-175-178 (ВК-7), O-774-776 (ВК-10), O-401-03 (СГ-5) оилалари вилтга бардошлилик бўйича ижобий натижа кўрсатишган.

Олинган натижалар асосида F₁-F₃ мураккаб ва конвергент дурагайлари орасидан тезпишар ва вилтга бардошли рекомбинант ўсимликларни ажратиш мумкинлиги ҳамда ўрганилган дурагайлаш услублари ушбу белгиларни яхшилашда самарадор эканлиги хулоса қилинган.

Тола сифати бўйича 2015 йилда ўрганилган 17 оилалардан аксарияти тола

микронејри бўйича яхши натижани (4,0-4,2) намоён этишгани ва фақатгина 4 та ҳолатда нисбатан юқори (4,6-4,7) микронејр намоён бўлгани аниқланган (2-жадвал).

Толанинг узилиш узунлиги бўйича ҳам ўрганилган оилалар жуда юқори натижалар намоён этиб, белгининг кўрсаткичлари 37,4 г.куч/тексдан (О-440-46) 46,4 г.куч/текс гача (О-201-02) оралиғида бўлган. Шунингдек, белги бўйича юқори натижалар О-289-90 (45,7 г.куч.текс), О-393-394 (44,8 г.куч.текс), О-365-366 (43 г.куч/текс), О-500-505 (42,9 г.куч.текс), О-899-900 (42 г.куч.текс) вариантларида кузатилган.

Тола узунлиги бўйича ҳам аксарият ажратиб олинган оилалар жуда юқори натижа кўрсатишган. Айниқса, О-369-372 (1,31 дюйм), О-201-02 (1,30 дюйм), О-500-505 (1,28 дюйм) ва О-440-46 (1,28 дюйм) оилаларида толанинг узунлиги юқори эканлиги таъкидланган.

Мураккаб ва конвергент дурагайлаш услублари орқали яратилган селекцион ашёларда толанинг технологик кўрсаткичларини шаклланиши бўйича олинган натижалар асосида қўлланилган услублар толанинг сифатини яхшилашда самарали эканлиги хулоса қилинган.

Диссертациянинг «**Трансгрессив рекомбинациялаш ва бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи тўлиқсиз қайта чатиштириш услубларида олинган оила ва тизмаларда қимматли-хўжалик белгиларининг қиёсий таҳлили**» деб номланган бешинчи бобида ўрганилган услублар асосида олинган ашёларда асосий қимматли хўжалик белгиларнинг барқарорлашуви ва шаклланиши қиёсий таҳлил қилинган.

Тадқиқотлар натижасида трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосида олинган конвергент дурагайларга нисбатан бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагайларнинг нисбатан тезпишар, вилтга бардошли эканлиги қайд этилган.

2016 йилдаги тадқиқот натижаларига кўра трансгрессив рекомбинациялаш услуби асосида ажратиб олинган деярли барча конвергент оилалар андоза С-6524 (63,5 кун) навидан 1-2,3 кунга эрта гуллаганлиги қайд этилган. Ушбу услуб орқали яратилган оилалар орасидан фақатгина О-365-366 да нисбатан кечпишарлик қайд этилган (тегишли равишда 64,5 кун; 117 кун), лекин шунга қарамадан дисперсия (0,70; 1,41%) ва ўзгарувчанлик коэффициенти (1,09%; 1,21%) кўрсаткичлари асосида ушбу оиланинг бошқаларга нисбатан анча барқарор ҳолатда эканлиги таъкидланган.

«50% ниҳол униб чиқиши-50% пишиш» даври бўйича бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш принципи орқали яратилган конвергент оилаларнинг барчаси андоза навига тенг ёки ундан тезпишарликни намоён этган ҳамда О-105-108 оиласи энг тезпишар (100,5 кун) оила сифатида ажратиб олинган.

Синов натижаларига кўра, ажратиб олинган тизмаларнинг аксарияти андоза С-6524 (117,5 кун) навига нисбатан тезпишарликни намоён этган. Айниқса, Омад нави иштирокида яратилган Т-521-522/07 тизмасининг

тезпишарлик бўйича устунлиги (114,5 кун) ни таъкидлаш лозим. Бироқ, Ан-Боёвут-2 нави иштирокида яратилган Т-487-488/07 тизмасининг тезпишарлиги 118,2 кунни ташкил этгани ва андоза навидан бирмунча кечпишар эканлиги кузатилган. Тезпишарлик бўйича олинган натижалар асосида конвергент дурагайлашда ҳам белгининг намоён бўлиши чатиштиришда иштирок этган бошланғич навларнинг генотипига ҳамда селекция жараёнида танлашнинг йўналишига боғлиқ эканлигини тасдиқлайди. Вертициллёз вилт (*Verticillium dahliae* Kleb.) билан табиий зарарланган муҳитда ўтказилган тадқиқотлар асосида ўрганилган О-609-610, О-357-362, О-965-966), О-97-100, О-105-108, О-109-112 оилалари ва Т-814-15/07, Т-494-95/07, Т-487-488/07 тизмаларининг андоза навларга нисбатан вилт касаллигига бардошли эканлиги ва кучли даражада умуман зарарланмаганлиги қайд этилган (3-жадвал).

3-жадвал

Конвергент ғўза оилаларининг вилт билан зарарланиш даражаси (%), 2016 й.

Оилалар	Дурагай комбинация	Ўсимлик сони, дона	Умумий зарарланиш даражаси, %	Кучли зарарланиш даражаси, %
Трансгрессив рекомбинациялаш асосидаги конвергент дурагайлар				
О-609-610	ВК-2	342	13,9	0
О-357-362	ВК-3	275	11,6	0
О-365-366	ВК-5	263	13,4	4,8
О-363-364	ВК-5	264	15,3	2,8
О-179-188	ВК-8	253	15,3	2,9
О-109-110	ВК-8	285	17,3	8,1
ЭКФ _{0,5} =			2,19	1,14
Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш принципи ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услуби				
О-965-966	F ₇ K1 x K2	79	8,8	0
О-233-234	F ₇ K3 x K4	212	12,6	8,8
О-97-100	F ₇ K5 x K6	65	7,8	0
О-105-108	F ₇ K7 x K8	244	9,5	0
О-109-112	F ₇ K9 x K10	245	10,3	0
О-117-120	F ₇ K11 x K9	140	12,4	6,5
ЭКФ _{0,5} =			2,18	0,87
Тизмалар				
	Т-487-488/07	147	15,4	0
	Т-814-15/07	287	10,7	0
	Т-494-95/07	185	13,8	0
С6524 (St) нави		75	33,5	15
ЭКФ _{0,5} =			1,78	-

2015 йил маълумотларига кўра, тола микронейри бўйича О-233-234 оиладан ташқари ажратиб олинган деярли барча оилалар яхши кўрсаткични

намоён қилди. Толанинг узилиш узунлиги бўйича эса О-365-366 (43 г.куч/текс.) ва О-233-234 (44 г.куч/текс.), толанинг узунлиги бўйича эса О-357-362 ва О-233-234 (1,26 дйюм) оилалар бошқалардан устунликни кўрсатганлиги қайд этилган. Ушбу тажрибада трансгрессив рекомбинациялаш асосида яратилган конвергент дурагайларнинг юқори авлодлари, яъни О-609-610, О-357-362 оилаларни вертицеллёз вилт билан кучли даражада умуман зарарланмаганлиги кузатилган.

Ўрганилган оилалар орасидан О-357-362 умумий даражада 11,6 фоиз зарарланиб, бошқа оилалар ва андоза навга нисбатан белги бўйича устунликни намоён қилган.

4-жадвал

Конвергент оила ва тизмаларнинг тезпишарлик ва тола узунлиги орасидаги боғлиқлик, 2016 й.

Оилалар	Дурагай комбинациялар	r	n	t
Трансгрессив рекомбинациялаш асосида олинган конвергент дурагайлар				
О-609-610	F ₇ ВК-2	-0.19	0.5	-0.4
О-357-362	F ₇ ВК-3	0.23	0.2	1.1
О-365-366	F ₇ ВК-5	0.57	0.5	1.2
О-363-364	F ₇ ВК-5	0.40	0.2	2.1
О-179-188	F ₇ ВК-8	0.78	0.3	3.1
Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагайлар				
О-965-966	F ₇ К1 х К2	0.97	0.1	2.6
О-233-234	F ₇ К3 х К4	0.22	0.3	0.6
О-97-100	F ₇ К5 х К6	0.10	0.2	0.7
О-105-108	F ₇ К7 х К8	-0.17	0.3	-0.5
О-109-112	F ₇ К9 х К10	0.33	0.7	0.5
О-117-120	F ₇ К11 х К9	-0.17	0.4	-0.6
Тизмалар				
	T-487-488/07	-0.09	0.3	-0.3
	T-814-815/07	-0.21	0.4	0.5
	T-494-495/07	0.28	0.5	0.6

Изох: $t \geq 1,01$ корреляциянинг мавжудлик критерияси

2016 йилги маълумотларга кўра, 1 дона кўсак вазни бўйича О-363-364, О-233-234, О-97-100 оилалардан ва Т-487-88/07 тизмасидан; 1000 дона чигит вазни бўйича О-363-364, О-965-966 оилаларидан ва Т-487-88/07 тизмасидан;

тола узунлиги бўйича О-109-110, О-97-100 оилаларидан; тола чиқими бўйича О-363-364 оиласидан, ва айниқса О-233-234, О-117-120 оилаларидан белгиларни яхшилашда амалий селекция жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган.

Тезпишарлиги ва тола узунлиги ўртасида ижобий коррелятив боғлиқликка эга бўлган О-965-966 ($r=0,97$), О-179-188 ($r=0,78$), О-365-366 ($r=0,57$) ва О-363-364 ($r=0,40$) оилаларидан амалий селекцияда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги хулоса қилинган (4-жадвал).

2016 йилги маълумотларга кўра, микронеър белгисини яхшилашда ажратиб олинган барча оила ва тизмалардан, толанинг узилиш узунлиги бўйича О-102, О-233-234 оилаларидан, тола узунлигида О-107, О-110 оилаларидан амалий селекцияда фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган. Турли хил конвергент чатиштириш услублари орқали яратилган юқори авлод дурагайларнинг таққосий таҳлилига кўра, трансгрессив рекомбинациялаш принципи асосида яратилган конвергент дурагайларга нисбатан бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштиришлар орқали олинган конвергент дурагайларнинг тезпишарлиги, вилтга бардошлилиги ва толасининг сифат кўрсаткичлари нисбатан юқорилиги аниқланган.

Диссертациянинг **«Бирлашган трансгрессив рекомбинациялаш ва тўлиқсиз қайта чатиштириш услубида яратилган тизмаларнинг селекциядаги аҳамияти»** деб номланган олтинчи бобида олинган амалий натижалар таҳлил қилинган.

Мураккаб дурагайлаш орқали айрим белгилар ўртасидаги салбий боғланишларни узиш ҳамда белгиларнинг ижобий мажмуасига эга бўлган рекомбинантларни ажратиб олиш имконияти кенглиги изланишларимизда тасдиқланди. Яъни, тажрибада иштирок этган мураккаб ва конвергент дурагайларнинг юқори авлодларидан асосий қимматли-хўжалик белгилар ижобий мажмуасига эгаллиги бўйича андоза навлардан яққол устунликка эга Т-487-488/07, Т-814-815/07, О-105, О-10-2 тизмалари ажратиб олинди. Тола сифати бўйича эса изланишларимиз асосида яратилган янги О-357-362 ва О-363-364 тизмаларидан қимматли селекцион ашё сифатида фойдаланиш мумкин.

2013 йилда, институтнинг кичик нав синаш кўчатзорида, Т-23/06, Т-814/15 ва К-2 тизмалари синалди. Тезпишарлик бўйича Т-23/06 (129 кун) ва Т-814/15 (132 кун) тизмалари андоза С-6524 (136 кун) навидан тегишли равишда 7 ва 4 кунга тезпишарлиги, шунингдек Т-23/06 тизмаси иккинчи андоза Наманган-77 (132 кун) навидан 3 кунга тезпишарлиги ва Т-814/15 тизмаси андоза нав даражасида бўлганлиги аниқланди. Янги К-2 тизмаси эса 134 кунда пишиб, андоза С-6524 (137 кун) навидан 3 кунга тезпишар бўлганлиги, Наманган-77 (132) навидан эса 2 кунга кеч пишганлиги кузатилди. Бир дона кўсак вазни бўйича К-2 да 6,4 г натижа кузатилиб, андоза навлардан 1,1-0,9 г юқори бўлган. Т-23/06 ва Т-814/15 тизмаларнинг ҳар иккаласида бир дона кўсак вазни 6,1 г ни ташкил этиб, андоза навлардан устунликни намоён этган. 1000 дона чигит вазни бўйича Т-23/06 тизмаси 140 г, яъни энг юқори бўлгани ҳамда К-2 (130 г), Т-814/15 (129 г) тизмалари ҳам андоза навлардан устунликни намоён этгани

аниқланди. Тола чиқими белгиси бўйича нисбатан юқори натижа Т-814/15 тизмасида қайд этилиб, ўртача 39,1% ни ташкил этди. Тола ҳосилдорлиги бўйича Т-23/06 ва Т-814/15 тизмаларининг андоза навлардан устунлиги кузатилган.

